

2050-йилга бориб жаҳонда водород ишлаб чиқариш 80% га ошиб, 14,3 миллион тоннага етиши мумкин

// 07.08.2025

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/2050-yilga-borib-zhahonda-vodorod-ishlab-chiqarish-80-ga-osh>

Jahon kimyo sanoati xabarları



2050-yilga borib jahonda vodorod ishlab chiqarish 80% ga oshib, 14,3 million tonnaga yetishi mumkin

uzkimyosanoat.uz [@uzkimyosanoat](https://t.me/uzkimyosanoat) [@uzkimyosanoat](https://www.instagram.com/uzkimyosanoat/) [uzkimyosanoat](https://www.facebook.com/uzkimyosanoat) [@uzkimyosanoat](https://www.youtube.com/uzkimyosanoat)

2050-йилга келиб дунёда водород (H_2) ишлаб чиқариш ҳажми 2024-йилга нисбатан тахминан 80% га ошиб, 14,3 миллион тоннага етиши мумкин. Бунда H_2 нинг асосий қисми метанни буғли риформинг қилиш (SMR) усули орқали ишлаб чиқарилади.

Бу ҳақда АҚШ Энергетик ахборот бошқармаси ўзининг сўнгги йиллик энергетик таҳлил ҳисоботида маълум қилди.

Этанни крекинг қилиш ва пропанни дегидрация қилиш каби кимёвий саноат жараёнларида ён маҳсулот сифатида ишлаб чиқарилган водород кейинги энг катта таъминот манбаи бўлади. Электролиз усули орқали газ олиш саноат технологияси эса ривожланмайди ва 2050-йилгача унинг хиссаси 1% дан ошмайди.

СН4 устунлик қиласиган табиий газ каби асосан углеводород хомашёсидан яъни, метанни буғли риформинг қилиш — молекуляр водород генерациясида доминант саноат жараёни ҳисобланади.

Бу каталитик эндотермик реакция юқори ҳароратда ($700\text{--}1000^\circ\text{C}$) ва ўртача баланд босимда (15–30 атмосфера) амалга ошади.

